

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACII
OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ

МИНТАҚАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

II қисм

2014 йил 4 март

Тошкент – 2014

Ўлатов М., Адабаев Ш.	Хўжалик субъектлари фаолиятини баҳолаш мезони	161
Ихсимбоев О., Ўрматова З.	Корхоналар фаолиятини баҳолашнинг интеграл мезони	164
Ҳахимов Б., Мадрахимов С.	Қишлоқ хўжалигида ресурслардан тежамли фойдаланиш ва тартибга солиш	167
Зулайманова Р., Қолбеков Р.	Хўжалик субъектлари фаолиятини иқтисодий таҳлилнинг ташкилий масалалари	169
Махкамов Р.	Расширение внешнеэкономических связей по внедрению инновационных услуг по уходу и защите поверхностей зданий и сооружений в Республике Узбекистан	172
Мамаева М. Е., Ўидикова Ф. Kh.	The significance of foreign languages for external economic policy of the region	174
Махмудова Г.	Иқтисодиётни модернизациялашнинг зарурлиги ва хусусиятлари	176
Мингишов Л., Эрипова З.	Миллий иқтисодиёт халқаро рақобатбардошлигини ошириш масалалари	178
Mirzayev U.	Xitoy va Markaziy Osiyo savdo aloqalari hamda mintaqaviy hamkorlikning rivojlanishi	181
Мирзаев Ё.	Ўзбекистонда жавобгарлик суғуртаси ҳолати, таҳлили ва такомиллаштириш истиқболлари	182
Мирсаидова Ш.	Управление системой образования в регионах Узбекистана	184
Муратова О.	Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида маркетингнинг ўрни ва аҳамияти	185
Муродов Ш., Ҳакимов Б.	Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг самарадорлиги	187
Muxammadiev J.	Jahon Savdo Tashkilotiga a'zolikdan keyingi iqtisodiyotni qayta isloh etishda Xitoy tajribasi	188
Muxitdinov M.	Soliq mexanizmining iqtisodiyotni boshqarishdagi o'рни va ahamiyati	191
Назарова Р., Абдурашидов Д.	Узбекистан и Казахстан – стратегические партнеры	193
Насырходжаева Д.	Современное состояние предприятий текстильной промышленности Узбекистана и анализ их адаптации к рыночным условиям	194
Нуритдинов А.	Переработка отходов деревообработки и сельского хозяйства путем брикетирования для отопления в Узбекистане	196
Омаров М., Фаррух К.	Инновации как фактор повышения конкурентоспособности предприятий	197
Орплов Э.	Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишни ташкилий бошқарув асосларини такомиллаштириш	201
Остонақулова Г. Абдуллаева Д.	Ўзбекистон қандолат маҳсулотлари бозорини ривожланиши	202

талабларни қондиришга имкон беради. Халқаро маркетингда ҳам ички бозорда бўлгани каби тадқиқотлар бозор сегментациясига асосланади, бунда сегментация таҳлиlining икки даражасидан кенг фойдаланилади. Турли миллий бозорлардаги имконий харидорларнинг табақалаштирилган тафсилотларини аниқлаш, белгилаб олиш билан бирга, бу бозори аҳамияти дастлабки баҳолашдан ўтказилади ва умуман жаҳон бозори сегментланади. Бундай турдаги сегментациялашнинг усулларида бири турли миллий бозорларнинг белгилаб олинган андозага мувофиқлигини аниқлашга асосланади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида конкрет бозордаги турли товарлар маркетингини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилади, уни яратиш маҳсулот бўйича бошқарувчига топширилади. Унинг вазифаси муайян мамлакат бозори ҳажми, аҳолиси, аҳоли таркиби, оилалар таркиби, даромадлари ва уларнинг тақсимоли, рақобатда қўйилган ўзгаришлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар олишдан иборат. Маркетинг дастурлари ва режаларининг ўзига хос зарурий томони - бозор жараёнларидаги турли ўзгаришлар йўналишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг кўп вариантлигидадир.

*Ш. Муродов,
Б. Ҳақимов, НамМТ*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг самарадорлиги

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида барқарор ривожланишни таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам ресурслар базаси, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳамда институционал асослар яратилди. Авваламбор, аграр соҳада ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари кўллаш асосида барқарор ривожлантиришга эришиш имкони туғилди. Бу жараёни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжалиқларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиявий таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос ишончли тизим ва механизмларнинг шакллантирилиши, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари фермер хўжалиқларининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер хўжалиқлари қишлоқ, хўжалигида етакчи бўлганга айланиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик — 6,4 фоизга, чорвачилик - 7,4 фоизга ўсди⁸². Бундай ижобий натижаларга

⁸² 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллари

эришишнинг асосий сабаби, фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар - уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлигини ҳал этиш учун уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши ва 2009 йилда фермер хўжалиklarининг ўртача ер майдонлари пахтачилик ва галлачиликда 37 гектардан 93,7 гектаргача, сабзавотчиликда 10 гектардан 24,7 гектаргача, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайтирилиб, оптималлаштирилганлигида деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Шунга қарамай, фермер хўжалиklarининг барқарор ривожланишини таъминлашда мавжуд ер-сув, моддий-техник ва меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишларида муаммолар, камчиликлар ва номутаносибликлар сақланиб қолмоқда. Бу эса, бевосита фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантиришни ички ва ташқи омилларидан самарали фойдаланишнинг имкониятлари ва йўллари аниқлашни тақозо этади.

Шу боис ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида фермерлар билан бўлган мулоқотининг моҳияти ва мазкур суҳбатдан келиб чиқадиган таклиф ҳамда вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ислохотларни вилоят миқёсида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, вилоятдаги илғор фермер хўжалиklarининг иш тажрибаларини ўрганиш;

- илғор фермерлар хўжалиklари томонидан қўлланилаётган технологияларни бошқа фермерлар фаолиятида ҳам қўллашга қаратилган аниқ режалар асосида фермер хўжалиklари раҳбарларини билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни фермер раҳбарларига ўқитиш;

- фермер хўжалиklари раҳбарларини иш юритиш, экинларни етиштиришда агротехника қондалари ва фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўйича чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарор ва қонунлар ҳамда Президент Фармонлари бўйича ўқитиб бориш.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, келтириб ўтилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш қишлоқ хўжалик тармоқларини миллий иқтисодиётида тутган ўрни, мамлакатимиз озиқ-овқат мустақиллиги, қолаверса, аҳолини қишлоқ хўжалиги тармоғида бандлигини янада оширишга ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Mag. J. Muxammadiyev, JIDU

Jahon Savdo Tashkilotiga a'zolikdan keyingi iqtisodiyotni qayta isloh etishda Xitoy tajribasi

Jahon Savdo Tashkilotiga a'zo bo'lish muzokaralarida Xitoy Xalq Respublikasi (XXR) ba'zi ustunliklarga ega edi. Bu ustunliklar Xitoyning yirik ichki bozorini